

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АКБАРОВ МИРЖАМОЛ МИРОДИЛОВИЧ

**ИЛДИЗМЕВАЛИ САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР
ҚЎЗГАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ БИОЛОГИК
ҲАМДА КИМЁВИЙ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

06.01.09 –Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Акбаров Миржамол Миродилович

Илдизмевали сабзавот экинларининг замбуруғлар қўзғатадиган касалликлари ва уларга қарши биологик ҳамда кимёвий кураш чоралари..... 3

Акбаров Миржамол Миродилович

Грибковые возбудители болезней овощных корнеплодных культур а так же биологические и химические меры борьбы с ними..... 21

Akbarov Mirjamol Mirodilovich

Fungal diseases of root vegetable crops and their biological and chemical control measures..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АКБАРОВ МИРЖАМОЛ МИРОДИЛОВИЧ

**ИЛДИЗМЕВАЛИ САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР
ҚЎЗГАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ БИОЛОГИК
ҲАМДА КИМЁВИЙ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Qx580 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuyati.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимова Нигора Тохировна,
биология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Кимсанбаев Хожимурод Хамрақулович,
биология фанлари доктори, профессор

Мамедов Нормухаммад Марданович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг “_____” _____ 2025 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти Қибрай тумани Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxta.uz@mail.ru)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxta.uz@mail.ru

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» «_____» куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳолисини керакли бўлган озиқ-овқат билан таъминлашда сабзавот маҳсулотлари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирда дунёда 1,3 млрд. га майдонларда хўжалик экинлари етиштирилади. Уларнинг орасида илдизмевали сабзавотлар (сабзи, шолғом, турп, редиска) муҳим аҳамият касб этади. 2015-2021 йиллар давомида сабзи ва шолғомни етиштириш икки баробарга ошган ҳамда унинг ялпи ҳосили 76,28 млн. тоннага етган. Дунёда сабзи ва шолғомни етиштириш бўйича Хитой (43,5%), Ўзбекистон (7,6%), АҚШ (3,45%), Россия (3,13%), Украина (2,0%) давлатлари етакчилик қилса, қолган 37,0% бу экин турларини етиштирадиган бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Ўсимликлар касалликлари жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 220 млрд. доллар зарар етказди¹. Шу сабабли илдизмевали сабзавотларни ўсув даврида касаллик кўзғатувчи патоген замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё миқёсида илдизмевали сабзавотларни етиштиришда замбуруғлар кўзғатувчи касалликлар асосан илдиз чириш (*Rhizoctonia solani*), ун-шудринг (*Erysiphe* sp.), альтернариоз (*Alternaria* sp.) ва фузариоз (*Fusarium* sp.) каби касалликлар кенг тарқалиб, сабзавотлар ҳосилдорлиги ва сифатига жиддий зарар етказиб, ушбу касалликларга ўз вақтида кураш чораларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда. Кўплаб мамлакатларда илдизмевали сабзавотларнинг ўсув даврида замбуруғлар кўзғатадиган касалликларини аниқлаш, тарқалиши, ривожланиши ҳамда биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илдизмевали сабзавотларнинг ўсув даврида замбуруғлар кўзғатадиган ун-шудринг, альтернариоз ва фузариоз каби касалликларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”² ги фармони асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу стратегияда қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, миллий ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини Жаҳон савдо ташкилотининг фитосанитария ва санитария чоралари бўйича келишуви талабларига мослаштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция ва Европанинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича Smart стандартлари асосида ишлаб чиқиш каби топшириқлар белгилаб берилган.

¹ <https://www.fao.org/news>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, ҳамда 2023 йил 11 сентабрдаги ПФ 158-сонли “Ўзбекистон-2030” Стратегиясидаги 54-банди “Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш” бўйича ҳамда 2030-йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари белгиланганлиги ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илдиз мевали сабзавот экинлари касалликларининг тарқалиши, зарари ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича МДХ мамлакатларида В.И.Кошникович, Л.Н.Соколова, Ф.А.Попов, Ўзбекистон шароитида илдизмевали сабзавот экинларининг замбуруғли касалликлари сақлаш даврида Э.А.Холмуродов, Б.Содиқов, М.Маткаримовлар томонидан, дунё миқёсида К.Toyota, Т. Kamesaka, NG K.W., E.T.Roberts, M.Leeman, T.Fink, Lingling, M.Putterill, Simpson, Matic, Ma, Coelho, Han You–Kyoung, Marjan de Boer, E.G.Simmons, P.Melgarejo, M.Bassimba каби бир қатор олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Республикамиз шароитида илдизмевали сабзавот (сабзи, шолғом, турп, редиска) экинларида ўсув даврида учрайдиган замбуруғлар кўзғатадиган касалликларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг “Ўза, сабзават, полиз ва картошка экинларини зарарли организмларига қарши курашиш” лабораториясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган (2022-2024 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавот экинлари (сабзи, шолғом, турп, редиска) нинг замбуруғлар кўзғатадиган касалликларини тарқалиши, ривожланиши, зарарини аниқлаш, бу касалликларни кўзғатувчи замбуруғларнинг айрим биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларга қарши биологик ва кимёвий кураш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавот (сабзи, шолғом, турп,

редиска) экинларининг касаллик кўзгатувчи замбуруғлар турларини аниқлаш;
замбуруғлар кўзгатадиган касалликларини Тошкент вилоятида тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш;

лаборатория шароитида замбуруғларни ривожланиши ва айрим биоэкологик хусусиятларини ўрганиш;

сабзи, шолғом, турп ва редиска навларининг замбуруғли касалликларга чидамлилигини аниқлаш;

касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қарши уруғдорлагич препаратларнинг мақбул сарф меъёрларини аниқлаш;

касалликларга қарши биологик ва кимёвий курашда фунгицидларнинг мақбул сарф меъёрлари ва муддатларини белгилаш;

касалликларга қарши фунгицид ҳамда биофунгицидларни биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорликларини аниқлаш;

олинган натижалар асосида, илдизмевали сабзавотларни (сабзи, шолғом, турп, редиска) замбуруғлар кўзгатадиган касалликларига қарши юқори самарали кураш чораларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқот объекти. Илдизмевали сабзавотлар (сабзи, шолғом, турп, редиска) навлари, фузариоз (*Fusarium oxysporum* (Schlecht.) Snyd. et Hans, *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* Kendr. et Sn.) ва альтернариоз (*Alternaria radicina*, *Alternaria brassicae* (Berk.) Sacc., *Alternaria raphani* Groves et Skolko) касалликларини кўзгатувчи замбуруғ турлари.

Тадқиқот предмети. Сабзи, шолғом, турп ва редискани маҳаллий навларининг чидамлилиги, уларнинг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларининг тарқалиши, зарари, замбуруғ турларининг биоэкологик хусусиятлари, биофунгицидлар ҳамда кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги.

Тадқиқот усуллари. Илдизмевали сабзавот экинларининг касалликларини тарқалиши, ривожланишини ҳамда зарарини аниқлашда А.Э.Чумаков усулларида фойдаланилди.

Илдизмевали сабзавот экинларида касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг соф культураларини ажратиб олишда С.Ф.Сидорова тавсия қилган усул қўлланилди. М.К.Хохряков усули ёрдамида касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусияти аниқланди. Касалликларга қарши ишлатилган препаратларнинг биологик самарадорликлари М.И.Дементева ва С.Ф.Сидорова тавсия қилган усуллар асосида топилди. Замбуруғларнинг турларини аниқлашда Н.М.Пидопличко, В.И.Билай ва E.G.Simmons аниқлагичларидан фойдаланилди. Б.А.Доспехов келтирган усуллар ёрдамида тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди. Хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлик А.Ф.Ченкин ҳамда Ш.Т.Хўжаев усуллари ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилояти шароитида сабзи, шолғом, турп ва редисканинг ўсув даврида замбуруғлар кўзгатадиган касалликларини ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилиб, ун-шудринг, альтернариоз ва фузариоз

касалликлари энг кенг тарқалганлиги ҳамда патоген замбуруғларнинг тур таркиби аниқланган;

Тошкент вилоятида ун-шудринг касаллиги 19,1-28,4% гача, альтернариоз 24,1-32,1% гача, фузариоз касаллиги 20,1-29,4% гача тарқалганлиги қайд этилган;

сабзи, шолғом, турп ва редиска экинларида альтернариоз касаллигини кўзғатувчи *Alternaria radicina*, *Alternaria brassicae*, *Alternaria raphani*, фузариоз касаллигини кўзғатувчи *Fusarium oxysporum* (Schlecht.) Snyd. et Hans, *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* замбуруғ турларининг соф культуралари ажратилган;

альтернариоз касаллигини кўзғатувчи *Alternaria* sp., фузариоз касаллигини кўзғатувчи *Fusarium* sp. замбуруғ турлари Чапек озикавий мухитида картошкали озикавий мухити ва оч агарга қараганида яхши ўсиб ривожланиши аниқланган;

лаборатория шароитида альтернариоз касаллигини кўзғатувчи *Alternaria* sp. турлари спораларининг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 25-28°C, *Fusarium* sp. турларлари учун 26-27°C гача эканлиги аниқланган;

сунъий зарарлаш йўли билан ўтказилган тажрибаларда сабзининг Мирзойи жўлтая 304, Мшак 195, Шолғомнинг Муяссар, Самаркандская местная, Турпнинг Куз ҳадияси, Редисканинг Красний великан навлари касалликларга нисбатан чидамли навлар эканлиги аниқланган;

лаборатория шароитида уруғдорилагич препаратларнинг таъсири ўрганилиб, Витавакс 200 ФФ 34% с.сук.с. (2,5 л/т) ҳамда Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. (1,5 л/т) уруғдорилагичларини қўллаш орқали фузариоз касаллигини олдини олиш мумкинлики аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавот экинларининг альтернариоз ва фузариоз касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарари мониторинг қилинган. Патоген замбуруғларнинг тур таркиби, айрим биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чоралари белгиланган ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

илдизмевали сабзавот экинларининг фузариоз касаллигига қарши уруғларини экишдан 15 кун олдин Витавакс 200 ФФ 34% с.сук.с. (2,5 л/т), Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. (1,5 л/т) уруғдорилагичларидан бири билан дорилаш тавсия этилган;

альтернариоз ва фузариоз касалликларига қарши ўсув даврида биофунгицидлар Спорегин с.э.к. (*Bacillus subtilis*) (2,0 л/га) қўлланганида назоратга нисбатан сабзидан 6,5-8,8 тонна, шолғомдан 10,7-11,7 тонна, турпдан 5,5-5,6 тонна, редискадан 3,2-3,9 тонна ва Оргамика С с. (*Bacillus amiloliquefacines*) (2,0 л/га) қўлланганида сабзидан 7,1-9,0 тонна, шолғомдан 10,3-12,1 тонна, турпдан 5,7-6,2 тонна, редискадан 3,9 тонна ҳосил сақлаб қолинган ҳамда 30,55 млн. сўм қўшимча даромад олиниб, 357,6-754,7% рентабелликка эришилган;

альтернариоз касаллигига қарши илдизмевали сабзавот экинларига ўсув

даврида Мерит 32,5% сук.с. – 1,0 л/га, Беллис 380 г/кг с.д.г. – 0,8 кг/га ҳамда Танос 50% с.д.г. – 0,6 кг/га сарф меъёрларида фунгицидларидан бири билан ишлов берилганида нозоратга нисбатан сабзидан 8,9-9,3 тонна, шолғомдан 12,4-13,2 тонна, турпдан 5,7-6,6 тонна, редискадан 6,3-6,9 тонна қўшимча ҳосил сақлаб қолинган ҳамда 40,9 млн. сўмгача қўшимча даромад олиниб, рентабеллик 313,7-590,7% гачани ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: Тадқиқотларнинг фитопатологик усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус ташкил этилган комиссия томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда математик-статистик услублардан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижалар тажриба маълумотларига мос келиши, хулоса ва қонуниятлар асосланганлиги, натижалар таққосланганлиги ҳамда улар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илдизмевали сабзавот (сабзи, шолғом, турп, редиска) экинларида касалликларнинг тарқалиши, ривожланиши, ҳосилдорликга келтирадиган зарарини, касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусиятларини ўрганилганлиги, кенг тарқалган касалликларга қарши қўлланилган фунгицидлар ва биопрепаратларнинг самарадорлигини баҳоланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илдизмевали сабзавот экинларида аниқланган касалликларга қарши қўллаш учун фунгицидлар ва биопрепаратларнинг сарф меъёри ҳамда уларни қўллаш муддатлари тавсия қилинганлиги, бу препаратларнинг биологик ҳамда иқтисодий самарадорлиги амалий жиҳатдан исботланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илдизмевали сабзавот экинларининг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларини тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарарини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар асосида “Илдизмевали сабзавотларни касалликлардан ҳимоя қилиш” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-04-130-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома сабзавотчилик билан шуғилланувчи фермер, деҳқон хўжаликлари ва агрокластерлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда;

илдизмевали сабзавотларнинг (сабзи, шолғом, турп, редиска) фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши курашишда Спорегин с.е.к. (2,0 л/га), Оргамика Ф с. (0,8-1,0 л/га), Оргамика С с. (1,5-2,0 л/га), Псевдобактерин–3 с. (0,1-0,2 л/га) биофунгицидлари, альтернариоз касаллигига қарши курашишда Миравис дуо 200 к.с. (0,75 л/га), Танос 50% с.д.г. (0,4-0,6 кг/га), Мерит 32,5% сук.с. (0,8-1,0 л/га) ва Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,6-0,8 кг/га) кимёвий препаратларини қўллаш Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Тўйчиев Фурқат” фермер хўжалигининг 6,0 га, Тошкент тумани “Шухрат Зиё” фермер хўжалигида 7,0 га сабзи экини майдонларида жорий қилинган (Қишлоқ

хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги, 05/06-04-130-сонли маълумотномаси). Натижада биофунгицидлар фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши қўлланганида 74,9-78,9%, кимёвий препаратлар альтернариоз касаллигига қарши қўлланганда 85,7-89,8% биологик самарадорликка эришилган;

шолғом экинида кимёвий препаратлар ва биофунгицидлар қўллаш Тошкент вилояти Тошкент туманидаги “Рахматхўжаев Тойир” фермер хўжалигининг 4,5 га, “Шухрат Зиё” фермер хўжалигининг 5,5 га майдонларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-04-130-сонли маълумотномаси). Натижада биофунгицидлар қўлланганда 76,3-79,6%, кимёвий препаратлар қўлланганида эса 86,9-88,6% биологик самарадорликка эришилган;

турпда кимёвий препаратлар ва биофунгицидларни қўллаш Яшнобод туманидаги “Тузел Назаров Сардор” фермер хўжалигининг жами 11,0 га экин майдонларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-04-130-сонли маълумотномаси). Натижада биопрепаратлардан 75,1-79,7% ва кимёвий препаратлар қўлланганида 87,0-88,1% биологик самарадорликка эришилган;

кимёвий препаратлар ва биофунгицидларни қўллаш Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани “Замон сари барака” фермер хўжалигида 8,0 га, Қибрай туманидаги “Шукурова Гўзал Насруллаевна” фермер хўжалигини 1,5 га редиска экин майдонларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-04-130-сонли маълумотномаси). Натижада биофунгицидлар қўлланганда 71,4-77,3% ва кимёвий препаратлар қўлланганида эса 88,0-88,7% биологик самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг илмий ва амалий натижалари 2 та республика, 1 та халқаро ва 1 та хорижий илмий-амалий анжуман материаллари тўпламларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий ишлар чоп этилган. Булар, илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналда чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предметлари тавсифланган ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Илдизмевали сабзавот экинларининг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларини ўрганилганлик даражаси”** номли биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаалар, дунё олимларининг илмий ишларини натижалари ҳамда илдизмевали сабзавотларнинг (сабзи, шолғом, турп, редиска) халқ хўжалигидаги аҳамияти, тарқалиши, навларнинг касалликларга чидамлиги, касалликларнинг кўзгатувчилари ва уларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллари ҳамда асосий касалликларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жой ва иш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар ўтказилган жойларнинг иқлим шароити ва тадқиқот усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Дала тажрибалари 2022-2024 йиллари Тошкент вилоятининг Тошкент, Қибрай, Юқоричирчиқ ва Тошкент шаҳри Яшнобод туманларида, лаборатория тажриба ишларини Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси лабораторияларида олиб борилган.

Илдизмевали сабзавот экинларининг касалликларини тарқалиши, ривожланишини ҳамда зарарини аниқлашда А.Э.Чумаков томонидан қўллаш учун тавсия қилинган усуллардан фойдаланилган.

Илдизмевали сабзавот экинларида касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг соф культураларини ажратиб олишда С.Ф.Сидорова тавсия қилган усул қўлланилган. М.К.Хохряков усули ёрдамида касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусияти аниқланган. Касалликларга қарши ишлатилган препаратларнинг биологик самарадорликлари М.И.Дементева ва С.Ф.Сидорова тавсия қилган усуллар асосида топилган. Замбуруғларнинг турларини аниқлашда Н.М.Пидопличко, В.И.Билай ва E.G.Simmons аниқлагичларидан фойдаланилган. Б.А.Доспехов келтирган усуллар ёрдамида тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинган. Хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлик А.Ф.Ченкин ҳамда Ш.Т.Хўжаев усуллари ёрдамида аниқланган.

Диссертациянинг **“Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавот экинларининг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларини учраши ва уларнинг ташхиси”** номли учинчи бобида илдизмевали сабзавот (сабзи, шолғом, турп, редиска) экинларида ўсув даврида учрайдиган касалликларни тур таркибини аниқлаш, касалликларнинг тарқалиши ва

касалланиш даражасини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўрганилган.

Олиб борилган тадқиқотларда илдизмевали сабзаёт (сабзи, шолғом, турп, редиска) экинларида асосан фузариоз, альтернариоз ва ун-шудринг касалликлари зарар келтириши маълум бўлди. Бу касалликлар зарари натижасида ҳосилдорлик ва ҳосил сифатининг пасайиши аниқланди.

1-жадвал

Илдизмевали сабзаёт экинларида қайд этилган замбуруғли касалликлар (Тошкент вилояти, 2022-2024 йиллар)

№	Касалликни номи	Касаллик кўзгатувчиси	Касалликни учраши			
			Экин турлари			
			Сабзи-Daucus sativus (Hoffm.) Rochl.	Шолғом-Brassica rapa L.	Турп-Raphanus sativus L.	Редиска-Raphanus sativus L.
1	2	3	4	5	6	7
1.	Альтернариоз	<i>Alternaria brassicae</i> (Berk.) Sacc.	-	+	-	-
		<i>A. raphani</i> Groves et Skolko	-	-	+	+
		<i>A. radicina</i> Meier, Drechsl. et Eddy	+	-	-	-
2.	Аскохитоз	<i>Ascochyta brassicae-repae</i> Bond.-Mont.	-	+	-	-
3.	Кулранг чириш	<i>Botrytis cinerea</i> Перс.	+	+	-	-
4.	Церкоспороз	<i>Cercospora carotae</i> (Pass.) Kasn. et Siem	+	-	-	-
		<i>C. bloxami</i> Berk. et Br.	-	+	-	-
5.	Ун-шудринг	<i>Erysiphe communis</i> Grev. f. <i>brassicae</i> Hamarl	-	+	+	+
		<i>E. umbelliferarum</i> D.B.	+	-	-	-
6.	Сохта ун-шудринг	<i>Peronospora brassicae</i> Gaeumann	-	-	+	+
7.	Фомоз	<i>Phoma rostrypii</i> Sacc.	+	-	-	-
		<i>Ph. siliquarum</i> Sacc. et Roum	-	+	-	-
8.	Оқ-чириш	<i>Sclerotium rolfsii</i> Sacc.	-	+	-	-
		<i>Sclerotinia sclerotiorum</i> (Lib.) De Bary	+	-	+	+
9.	Фузариоз	<i>Fusarium oxysporum</i> Schlecht. f. <i>raphani</i> Kendr. et Sn.	-	+	+	+
		<i>F. oxysporum</i> (Schlecht.) Sn. et Hans.	+	-	-	-
10.	Занг	<i>Uromyces scripi</i> (Cart.) Burill.	+	-	-	-
		<i>Puccinia isiacae</i> (Thum.) Wint.	-	-	+	+

Изоҳ: – учрамади; + учради.

Тадқиқотлар натижасида 10 турга мансуб бўлган касалликлар аниқланди (1-жадвал). Булардан сабзида: ун-шудринг – *Erysiphe umbelliferarum* f. *dauci* ва *Leveillula umbelliferarum* f. *dauci*, *E. Umbelliferarum*, занг – *Uromyces scripi*

(Cart.) Burill., фомоз – *Phoma rostrupii* Sacc., Альтернариоз – *Alternaria radicina* M., D. et E., кулранг чириш – *Botrytis cinerea* Pers., церкоспороз – *Cercospora carotae* (Pass.) Kasn. et Siem., оқ чириш касаллиги – *Sclerotinia sclerotiorum* (Lib.) De Bary. касалликлари;

Шолғомда: альтернариоз – *Alternaria brassicae* (Berk.) Sacc., аскохитоз – *Ascochyta brassicae-repae* Bond.-Mont., кулранг чириш – *Botrytis cinerea* Pers., церкоспориоз – *Cercospora bloxami* Berk. et., фомоз – *Phoma siliquarum* Sacc. et Roum., оқ чириш – *Sclerotium rolfsii* Sacc., фузариоз – *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* Kendr. et Sn. касаллилари;

Турп ва редискада: фузариоз – *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* Kendr. et Sn., сохта ун-шудринг – *Peronospora brassicae* Gaeumann, альтернариоз – *Alternaria raphani* Groves et Skolko, ун-шудринг – *Erysiphe communis* Grev. f. *brassicae* Hamarl, оқ чириш – *Sclerotinia sclerotiorum* (Lib.) De Bary, занг – *Puccinia isiacae* (Thum.) Wint. касалликлари аниқланган.

Улардан ўсув даврида фузариоз, альтернариоз ва ун-шудринг касаллиги кенг тарқалиши ва кучли зарар етказиши (19,1-32,1%) аниқланган.

Шуларни инобатга олиб, тадқиқотларни энг кўп зарар етказувчи 3 та касалликни ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавот экинларининг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларни тарқалиши ва зарарини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқотлар 2020-2024 йилларда Тошкент вилоятининг Тошкент, Қибрай, Янгийўл, Паркент ва Тошкент шаҳри Яшнобод туманларида олиб борилган. Тадқиқотлар асосан илдизмевали сабзавот экинларини (сабзи, шолғом, турп, редиска) касалликларини дастлабки белгилари пайдо бўлган вақтидан бошлаб мониторинг (кузатувлар) олиб борилган.

Кузатувларга кўра, илдизмевали сабзавот экинларини асосан фузариоз, альтернариоз ва ун-шудринг касалликлари аниқланган.

Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавотлар замбуруғли касалликлари билан касалланиш даражаси ўрганилганда сабзининг ун-шудринг касаллиги билан касалланиш 22,2% дан 28,4% гачани, альтернариоз билан касалланиш 24,1% дан 32,1% гачани, фузариоз касаллиги билан касалланиш 21,5% дан 29,4% гачани ташкил этган.

Шолғомнинг ун-шудринг касаллиги билан касалланиш 19,8% дан 25,6% гачани, альтернариоз билан касалланиш 25,3% дан 30,4% гачани, фузариоз касаллиги билан касалланиш 20,1% дан 27,2% гачани ташкил этган.

Турпнинг ун-шудринг касаллиги билан касалланиш 21,0% дан 23,3% гачани, альтернариоз билан касалланиш 23,8% дан 30,4% гачани, фузариоз касаллиги билан касалланиш 23,3% дан 28,1% гачани ташкил этган.

Редискани ун-шудринг касаллиги билан касалланиш 19,1% дан 25,7% гачани, альтернариоз билан касалланиш 26,5% дан 31,8% гачани, фузариоз касаллиги билан касалланиш 21,7% дан 28,4% гачани ташкил этган.

Тошкент вилоятининг илдизмевали сабзавотлар етиштириладиган ҳудудларида фузариоз касаллиги 20,1% дан 29,4% гача, альтернариоз

касаллиги 23,8% дан 32,1% гача ва ун-шудринг касаллиги 19,8% дан 28,4% гача тарқалганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **Касалликларни қўзғатувчи замбуруғларнинг биологик хусусиятлари ва навларнинг касалликларга чидамлилиги** номли тўртинчи бобида:

Илдизмевали сабзаёт экинларида альтернариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларни турли озиқавий муҳитларда ривожланишини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар илдизмевали сабзаёт экинларини касалланган қисмларини уч хил сунъий озиқавий муҳитларида ўсиши 25°C ҳароратда 3, 5, 7, 9, ва 11 кунлар оралиғида кузатиб борилди. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, альтернариоз касаллигини қўзғатувчилари *Alternaria radicina*, *Alternaria brassicae* (Berk.) Sacc., *Alternaria raphani* Groves et Skolko турлари, фузариоз касаллигини қўзғатувчи *Fusarium oxysporum* (Schlecht.) Snyd. et Hans, va *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* Kendr. et Sn. турлари Чапек озиқавий муҳитида картошкали озиқавий муҳити ва оч агарга қараганида каттароқ диаметрдаги колониялар ҳосил қилиб, яхши ўсиб ривожланиши аниқланган.

2-жадвал

Илдизмевали сабзаёт экинларида альтернариоз ва фузариоз касалликларини қўзғатувчи замбуруғлар спораларини ривожланишини ҳароратга боғлиқлиги (Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ лаборатория тажрибаси, 2023 й.)

№	Замбуруғ турлари	Ҳарорат, +°C										
		5	10	15	20	23	25	26	27	28	30	35
1.	<i>Alternaria radicina</i>	-	+	+	++	++	+++	+++	+++	+++	++	-
2.	<i>Alternaria brassicae</i>	-	+	+	++	++	+++	+++	+++	+++	+	-
3.	<i>Alternaria raphani</i>	-	+	+	+	++	+++	+++	+++	+++	+	-
4.	<i>Fusarium oxysporum</i> (Schlecht.) Snyd. et Hans	-	+	+	+	++	++	+++	+++	++	+	-
5.	<i>Fusarium oxysporum</i> Schlecht. f. <i>raphani</i> Kendr. et Sn.	-	+	+	+	++	++	+++	+++	++	+	-

Шартли белгилар: – ривожланиш кузатилмади (0 мм); + кучсиз даражада ривожланди (5 мм гача); ++ ўртача даражада ривожланди (6 мм дан 10 мм гача); +++ кучли даражада ривожланди (10 мм дан катта).

2023 йилда замбуруғларнинг ривожланишини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бунда Петри ликобчаларидаги Чапек озиқа муҳитига касаллик қўзғатувчи патогенлар экилиб, маҳсус термостатда турли ҳаво ҳароратларида кузатилди. Кузатувлар 3, 5, 7, 9, 11, 14 кун давомида +5°C дан +35°C бўлган ҳароратларда олиб борилди. Лаборатория шароитида касаллик қўзғатувчи замбуруғ споралари учун мақбул ҳарорат *Alternaria sp.* турлари учун +25°C ва +28°C, *Fusarium sp.* турларлари учун +26°C ва +27°C эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Илдизмевали сабзавотлар навларини касалликларга чидамлилигини ўрганиш мақсадида 2022-2024 йиллар мобайнида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ да лаборатория тажрибалари амалга оширилди.

Ҳар бир экин тури бўйича навларнинг уруғлари лаборатория шароитида фузариоз касаллигини қўзғатувчи патоген споралари ёрдамида тайёрланган суспензион иннокулятга 5 дақиқа ботириб қўйиш йўли билан зарарлантирилиб, тувакларга 2 см чуқурликда экилди ва 17 кун мобайнида зарарланиш даражаси кузатиб борилди. *Fusarium* замбуруғ турларидан суспензия тайёрлаш учун патогенлар Петри ликобчаларидаги Чапек озика мухитига экилди ва термостатга 25°C га қўйилди. 7 суткадан сўнг замбуруғ мицелийлари Петри ликобчаси юзасини тўлиқ эгаллади. Замбуруғ мицелийлари 500 мл колбага сидирилиб стерил сув ёрдамида суспензия тайёрланди ва замбуруғ конидиялари титри Гаряев камерасида Л.А.Чистякова, Л.М.Соколова (2020) усулида ҳисобланганида ўртача $2,5 \times 10^6$ кхқб/мл ни ташкил этди (1-расм).



1

2

1-расм. *Fusarium oxysporum* замбуруғи соф культураси (1) ва унинг конидияларини (2) Гаряев камерасида кўриниши
(Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ лабораторияси, 2023 й.)

Уруғларни экиш учун махсус субстратдан (60% қум + 30% тупроқ + 10% гумус) фойдаланилди. Сабзи уруғлари *Fusarium oxysporum* (Schlecht.) Snyd. et Hans патогени, шолғом, турп ва редиска уруғлари *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* Kendr. et Sn. патогени билан суний зарарлантирилди.

Тадқиқотлар натижасида сабзининг Мирзойи жўлтая, Мшак 195, Шолғомнинг Муяссар, Самаркандская местная, Турпнинг Куз ҳадияси, Редисканинг Красний великан навлари нисбатан чидамли навлар эканлиги аниқланган. Шунингдек сабзининг Барака, Нурли 70, шолғомнинг Гулшод, турпнинг Содик, редисканинг Эртапишар навлари касалликларга нисбатан чидамсиз эканлиги аниқланган.

Уруғдориллагич препаратларнинг фузариоз касаллигига таъсирини ўрганиш бўйича Витавакс 200 ФФ с.сук.с. – 2,0-2,5 л/т, Максим 2,5% сук.с. – 0,2-0,4 л/т, Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. – 1,2-1,5 л/га, Скарлет м.ем.– 0,3-0,4 л/га меъёрларда қўлланилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бунда стерил Петри ликопчаларига Чапек озуқа муҳити қуйилиб, фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар 4 нуқтага экилди, ҳамда устидан 1 мл (титрда) уруғдориллагич препарати концентрати қуйилди. Назорат вариантыга ишлов берилмади. Тажриба вариантлари уч қайтариқда амалга оширилди. Тажриба вариантлари +25⁰С ҳароратда термостатга қўйилиб, 21 кун давомида кузатувлар олиб борилди. Назорат вариантыда 3-кундан бошлаб фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларнинг ўсиши кузатилди.

Витавакс 200 ФФ 34% с.сук.с. (2,5 л/т) ҳамда Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. (1,5 л/т) уруғдориллагичлари қўлланилган вариантларда Петри ликобчаларида патогенларни 17-19-кунгача ўсиши кузатилмади. Максим 2,5% сук.с. (0,4 л/т) ва Скарлет м.ем. (0,4 л/т) қўлланган вариантларда Петри ликобчаларида фузариоз касаллигини қўзғатувчи патогенлар 5-7-кундан бошлаб ривожланиши кузатилган.

Диссертациянинг Илдиз мевали сабзаёт экинларининг касалликларига қарши қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлиги номли бешинчи бобда:

2022-2024 йилларда уруғдориллагич препаратларнинг фузариоз касаллигига таъсири, биологик самарадорлиги аниқланган. Шунингдек кичик ва катта дала тажрибаларини Тошкент вилоятининг Тошкент, Қибрай, Юқоричирчиқ ва Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги фермер хўжаликларига илдизмевали сабзаёт экинларини (сабзи, шолғом, турп, редиска) ўсув даврида асосий касалликлари фузариоз ва альтернариоз касалликларини ривожланиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида замонавий биофунгицидлар ва кимёвий препаратларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилган.

Уруғдориллагичларни касалликларга қарши биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида дастлаб уруғларга уруғдориллагич препаратлар билан ишлов берилди ва 15 кун мобайнида уруғлар сақланди. Ушбу уруғлар лаборатория шароитида 500 мл ли колбада фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғ спораларидан тайёрланган суспензияда 5 дақиқа мобайнида ивителиб, сабзи, турп, шолғом ва редиска уруғлари касеталарга ва лизиметрларга 2 см чуқурликда экилди. Фузариоз касаллигига қарши уруғдориллагичларни синашда сабзининг “Мшак 70”, шолғомнинг “Гулшод”, турпинг “Куз ҳадияси”, редисканинг “Лола” навларидан фойдаланилди. Касалликлар экинларнинг 3-4- чинбарг чиқарганидан сўнг ҳисобга олинди.


Лаборатория шароитида фузариоз касаллигига қарши Витавакс 200 ФФ 34% с.сук.с. (2,5 л/т) ҳамда Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. (1,5 л/т) уруғдориллагичлари қўлланилганда биологик самарадорлик 85,5% дан 88,9%

гачани, лизиметрик тажрибаларда 86,4% дан 89,4% гачани ташкил этганлиги аниқланган.

Фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши Спорегин с.э.к. (*Bacillus subtilis*) 2,0 л/га ва Оргамика С с. (*Basillus amiloliquefacines*) 2,0 л/га меъёрларда қўлланганда биологик самарадорлиги сабзида 76,7% дан 78,0 % гачани, шолғомда 78,4% дан 79,2% гачани, турпда 77,3% дан 79,1% гачани, редискада 74,4% дан 75,4% гачани, альтернариоз касаллигига қарши сабзида 78,1% дан 78,9% гачани, шолғомда 78,9% дан 79,6% гачани, турпда 78,9% дан 79,7% гачани, редискада 76,4% дан 77,3% гачани ташкил этган.

Альтернариоз касаллигига қарши сабзида Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га) ва Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) препаратлари қўлланганда биологик самарадорлиги 88,3% ва 89,8% гачани ташкил этди. Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) ва Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га) препаратлари шолғомда қўлланилганида 86,9-88,6%, турп экинида 87,0-88,1% гача биологик самарадорлик кўрсатди. Редискада Миравис дуо 200 к.с. (0,75 л/га) ва Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) препаратлари қўлланганда 88,0-88,7% гачани ташкил этга.





3-расм. Катта дала тажрибаларида турпнинг фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши биофунгицидларнинг биологик самарадорлиги кўрсаткичлари, % (Тошкент шаҳар Яшнобод тумани "Тузел Назаров Сардор" ф/х, Содиқнави, 2024 йил)

Диссертациянинг **Касалликлардан ҳимоя қилишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги** номли олтинчи бобида 2022-2024 йилларда Тошкент вилоятида ўтказилган кичик ва катта дала тажрибаларида қўлланилган биофунгицидлар ва кимёвий препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилган.

Альтернариоз ва фузариоз касалликларига қарши ўсув даврида биофунгицидлар *Спорагин с.э.к. (Bacillus subtilis)* – 2,0 л/га ҳамда *Оргамика С с. (Basillus amiloliquefacines)* – 2,0 л/га сарф меъёрларида қўлланилганда назоратга нисбатан сабзидан 6,5-9,0 тоннагача қўшимча ҳосил ва 18,85-26,35 млн. сўм фойда, шолғомдан 10,7-12,1 тоннагача қўшимча ҳосил ва 42,15-47,75 млн. сўм фойда, турпдан 5,5-6,2 тоннагача қўшимча ҳосил ва 26,85-30,35 млн. сўм фойда, редискадан 3,2-3,9 тоннагача қўшимча ҳосил ва 24,15-30,55 млн. сўм фойда олинди ва рентабеллик 357,6-754,7% гачани ташкил этди.

Альтернариоз касаллигига қарши илдимевали сабзавот экинларига ўсув даврида Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га), Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) ҳамда Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) билан ишлов берилганида назоратга нисбатан сабзидан 8,9-9,3 тоннагача қўшимча ҳосил ва 26,1-26,58 млн. сўм фойда, шолғомдан 12,4-13,2 тоннагача қўшимча ҳосил ва 49,0-52,3 млн. сўм фойда, турпдан 5,7-6,6 тоннагача қўшимча ҳосил ва 22,2-25,9 млн. сўм фойда, редискадан 6,3-6,9 тоннагача қўшимча ҳосил ва 37,15-40,9 млн. сўм фойда олинди ҳамда рентабеллик 313,7-590,7% гачани ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилоятининг илдизмевали сабзавотлар экиладиган майдонларида сабзи экинида ун-шудринг касаллиги 28,4% гача, альтернариоз 32,1% гача, фузариоз касаллиги 29,4% гача, шолғомда ун-шудринг 25,6% гача, альтернариоз 30,4% гача, фузариоз касаллиги 27,2% гача, турпда ун-шудринг 23,3% гача, альтернариоз 30,4% гача, фузариоз касаллиги 28,1% гача, редискада ун-шудринг 25,7% гача, альтернариоз 31,8% гача, фузариоз касаллиги 28,4% гача тарқалганлиги қайд этилди.

2. Альтернариоз касаллигини сабзида *Alternaria radicina* M., D. et E., шолғомда *Alternaria brassicae* (Berk.) Sacc., турп ва редискада *Alternaria raphani* Groves et Skolko, фузариоз касаллигини сабзида *Fusarium oxysporum* (Schlecht.) Sn. et Hans., шоғом, турп ва редискада *Fusarium oxysporum* Schlecht. f. *raphani* Kendr. Et Sn. замбуруғ турлари кўзғатиши аниқланди ҳамда ушбу тур замбруғлар Чапек озикавий муҳитида картошкали озикавий муҳити ва оч агарга қараганида яхши ўсиб ривожланиши аниқланди.

3. Лаборатория шароитида альтернариоз касаллигини кўзғатувчи *Alternaria sp.* турлари ривожланиши учун оптимал ҳарорат 25-28°C, *Fusarium sp.* турларлари учун 26-27°C гача эканлиги аниқланди, ҳамда суний зарарлаш йўли билан ўтказилган тажрибаларда сабзининг Мирзойи жўлтая, Мшак 195, Шолғомнинг Муяссар, Самаркандская местная, Турпнинг Куз ҳадияси, Редисканинг Красний великан навлари касалликларга нисбатан бардошли навлар эканлиги аниқланди. Шунингдек сабзининг Барака, Нурли 70, шолғомнинг Гулшод, турпнинг Содик, редисканинг Эртапишар навлари касалликларга чидамсиз эканлиги аниқланди.

4. Лаборатория шароитида фузариоз касаллигига қарши Витавакс 200 ФФ 34% с.сук.с. (2,5 л/т) ҳамда Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. (1,5 л/т) уруғдориллагичлари қўлланилган вариантларда Петри ликобчаларида патогенларни 17-19-кунгача ўсиши кузатилмади, ҳамда лаборатория шароитида қўлланилганда биологик самарадорлик 85,5% дан 88,9% гачани, лизиметрик тажрибаларда 86,4% дан 89,4% гачани ташкил этди.

5. 2022-2024-йилларда катта дала тажрибаларида фузариоз ва альтернариоз касалликларига қарши Спорагин с.э.к. (*Bacillus subtilis*) 2,0 л/га ва Оргамика С с. (*Basillus amiloliquefacines*) 2,0 л/га сарф меъёрларда қўлланганида биологик самарадорлиги сабзида 76,7-78,0 % гачани, шолғомда 78,4-79,2% гачани, турпда 77,3-79,1% гачани, редискада 74,4-75,4% гачани, альтернариоз касаллигига қарши сабзида 78,1-78,9% гачани, шолғомда 78,9-79,6% гачани, турпда 78,9-79,7% гачани, редискада 76,4-77,3% гачани ташкил этди.

6. Катта дала тажрибаларида альтернариоз касаллигига қарши сабзида Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га) ва Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) препаратлари қўлланганда биологик самарадорлиги 88,3% ва 89,8% гачани ташкил этди. Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) ва Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га) препаратлари шолғомда қўлланилганида 86,9-88,6%, турп экинида 87,0-88,1% гача

биологик самарадорлик кўрсатди. Редискада Миравис дуо 200 к.с. (0,75 л/га) ва Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) препаратлари қўлланганда биологик самарадорлик 88,0-88,7% гачани ташкил этди.

7. Альтернариоз ва фузариоз касалликларига қарши ўсув даврида биофунгицидлар Спорегин с.э.к. (*Bacillus subtilis*) – 2,0 л/га ҳамда Оргамика С с. (*Basillus amiloliquefacines*) – 2,0 л/га сарф меъёрларда қўлланганида назоратга нисбатан сабзидан 9,0 тоннагача қўшимча ҳосил ва 18,85-26,35 млн. сўм, шолғомдан 10,7-12,1 тоннагача қўшимча ҳосил ва 42,15-47,75 млн. сўм, турпдан 5,5-6,2 тоннагача қўшимча ҳосил ва 26,85-30,35 млн. сўм, редискадан 3,2-3,9 тоннагача қўшимча ҳосил ва 24,15-30,55 млн. сўм фойда олинди ва рентабеллик 357,6-754,7% гачани ташкил этди.

8. Альтернариоз касаллигига қарши илдизмевали сабзавот экинларига ўсув даврида Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га), Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) ҳамда Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) билан ишлов берилганида назоратга нисбатан сабзидан 8,9-9,3 тоннагача қўшимча ҳосил ва 26,1-26,58 млн. сўм, шолғомдан 12,4-13,2 тоннагача қўшимча ҳосил ва 49,0-52,3 млн. сўм, турпдан 5,7-6,6 тоннагача қўшимча ҳосил ва 22,2-25,9 млн. сўм, редискадан 6,3-6,9 тоннагача қўшимча ҳосил ва 37,15-40,9 млн. сўм фойда олинди ҳамда рентабеллик 313,7-590,7% гачани ташкил этди.

9. 2022-2024-йиллар мобайнидаги тадқиқотлар натижаларига кўра Тошкент вилояти шароитида илдизмевали сабзавотлар (сабзи, шолғом, турп редиска)ни фузариоз ва альтернариоз касалликлари зарарини камайтириш ҳамда юқори ҳосил олиш мақсадида:

илдизмевали сабзавотларни етиштиришда касалликларга чидамли бўлган сабзининг Мирзойи жўлтая 304, Мшак 195, шолғомнинг Муяссар, Самаркандская местная, турпнинг Куз ҳадияси, редисканинг Красний великан навларини экиш;

фузариоз касаллигига қарши сабзи, шолғом, турп ва редиска уруғларини экишдан 15 кун олдин Витавакс 200 ФФ 34% с.сук.с. (2,5 л/т) ёки Максим XL 035 FS 3,5% сук.с. (1,5 л/т) уруғдориллагич препаратларидан бири билан дорилаш;

ўсув даврида фузариоз ва альтернариоз касалликларини олдини олиш мақсадида илдизмевали сабзавотларни 2-4 чинбарг даврида Спорегин с.э.к. (2,0 л/га), Оргамика С с. (2,0 л/га) биофунгицидларини бири билан 14 кун оралатиб имкки марта ишлов бериш;

альтернариоз касаллигига қарши касалликларнинг дастлабки белгилари пайдо бўлганда Мерит 32,5% сук.с. (1,0 л/га), Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) ҳамда Танос 50% с.д.г. (0,6 кг/га) кимёвий препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАНТИНА И
ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ**

АКБАРОВ МИРЖАМОЛ МИРОДИЛОВИЧ

**ГРИБКОВЫЕ ВОЗБУДИТЕЛИ БОЛЕЗНЕЙ ОВОЩНЫХ
КОРНЕПЛОДНЫХ КУЛЬТУР А ТАК ЖЕ БИОЛОГИЧЕСКИЕ И
ХИМИЧЕСКИЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.2.PhD/Qx580

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте карантина и защиты растений.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель:

Хакимова Нигора Тохировна,
кандидат биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кимсанбаев Хожимурод Хамракулович,
доктор биологических наук, профессор

Мамедов Нормухаммад Марданович,
доктор философии по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
овощебахчевых культур и картофеля**

Защита состоится “___” _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: rahta.uz@mail.ru.

С данной докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № _____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки номер _____ от «___» _____ 2025 года).

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Овощные культуры занимают одно из главных мест в обеспечении населения планеты необходимыми продуктами питания. В настоящее время площадь, занятая сельскохозяйственными культурами в мире, составляет 1,3 млрд га, из них 4,2% засеяны овощными культурами. Среди них важное место занимают корнеплоды (морковь, репа, редька, редис). За 2015-2021 годы выращивание моркови и репы увеличилось вдвое, а их общий урожай достиг 76,28 млн тонн. Китай (43,5%), Узбекистан (7,6%), США (3,45%), Россия (3,13%), Украина (2,0%) являются ведущими странами мира по выращиванию моркови и репы, а 37,0% продукция предоставлена другими странами. Болезни растений наносят ущерб мировой экономике в среднем на 220 млрд. долларов¹. Поэтому изучение биоэкологических особенностей патогенных грибов, вызывающих заболевания корнеплодов в период их роста и разработка мер борьбы с ними является одной из важных задач.

В мире грибковые заболевания, такие как корневая гниль (*Rhizoctonia solani*), мучнистая роса (*Erysiphe* sp.), альтернариоз (*Alternaria* sp.) и фузариоз (*Fusarium* sp.) широко распространены при возделывании корнеплодов, наносящие серьезный ущерб урожайности и качеству этих овощей, поэтому существует необходимость в разработке своевременных мер борьбы с этими заболеваниями. Во многих странах проводятся научные исследования, направленные на выявление, изучение распространения, развития и биоэкологических особенностей грибковых заболеваний корнеплодов в период вегетации, а также разработка мер борьбы с ними. Актуальным является проведение исследований для разработки эффективных мер борьбы с грибковыми заболеваниями, такими как мучнистая роса (*Erysiphe* sp.), альтернариоз (*Alternaria* sp.) и фузариоз (*Fusarium* sp.), в период вегетации корнеплодов.

На основании Указа Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы»² разработана стратегия развития сельского хозяйства. В ней определены такие задачи, как защита сельскохозяйственных культур от болезней и вредителей, адаптация национальной системы карантина и защиты растений к требованиям соглашения Всемирной торговой организации по фитосанитарным и санитарным мерам, а также её развитие на основе Международной конвенции по карантину и защите растений и европейских Smart – стандартов производства сельскохозяйственной продукции.

